

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХАЛИБАЕВА ГУЗАЛ БАТИРОВНА

**ЧАНОҚ АЪЗОЛАРИНИНГ ТРАВМАТИК ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШДАГИ КОМПЛЕКС НУР
ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Халибаева Гузал Батировна

Чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида даволаш тактикасини танлашдаги комплекс нур ташхиси3

Халибаева Гузаль Батыровна

Комплексная лучевая диагностика в выборе тактики лечения травматических повреждений органов таза26

Khalibayeva Guzal Batirovna

Complex radiation diagnostics in the choice of treatment tactics of the pelvic organs traumatic injuries proving.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works54

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХАЛИБАЕВА ГУЗАЛ БАТИРОВНА

**ЧАНОҚ АЪЗОЛАРИНИНГ ТРАВМАТИК ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШДАГИ КОМПЛЕКС НУР
ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib361 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Икромов Адхам Илхамович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юсупалиева Гулнора Акмаловна тиббиёт фанлари доктори, доцент Тияков Акбар Буриевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов
Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков
Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда травматологиянинг мураккаб ва долзарб муаммолардан бири чанок жароҳати бўлиб, алоҳида ва қўшма шикастланишнинг ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Чанок жароҳатларининг умумий тузилишида нотурғун чанок жароҳатлари билан шикастланганлар сони 17,04%га ортган. «Чанок суяклари синишлари бўлган беморлар одатда ёш ва ISS шикастланишининг юқори умумий оғирлик кўрсаткичига эга (25 дан 48 ISS гача). Айниқса гемодинамик ностабил бўлган беморларда, тез қон кетиши, гемостазга эришишнинг қийинчиликлари ва бошқа қўшма шикастланишлар сабабли ўлим даражаси юқори бўлиб қолмоқда. Шу сабабларга кўра, айниқса жароҳатдан кейинги дастлабки соатларда жонлантириш, суяклар жароҳатларини даволаш ва қон кетишини назорат қилиш учун мултидисциплинар ёндашув жуда муҳим...»¹. Кенг қамровли даволаш ташкил қилинишига қарамай, қорин пардаси ортига қон кетиш билан асоратланган чанок суяклари синишида, хатто, юқори малакали тор мутахассислар бор травматологик марказларида ўлим ҳолати 40%гача етади.

Жаҳонда чанок аъзоларининг травматик шикастланишларида даволаш тактикасини танлашдаги комплекс нур ташхиси чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада чанок аъзоларнинг травматик шикастланишларида рентгенография, ультратовуш ташхиси, мултиспирал компьютер томографияси, магнит резонанс томография, дигитал субтракцион ангиографиянинг ўрнини, чанок аъзоларининг травматик шикастланишларининг нурли семиотикасини такомиллаштириш, танланган инструментал усулларнинг сезгирлиги, ўзига хослиги ва умумий аниқлигини баҳолаш орқали чанок аъзоларининг травматик шикастланишларида ташхисий текширишларни бажариш учун, кўрсатмалар ишлаб чиқиш самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда травматик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтириш қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун жорий йилда вилоят миқёсида ташхис қўйиш ва даволаш борасида ҳам

¹ Coccolini F et all. Pelvic trauma: World Society of Emergency Surgery classification and guidelines. World J Emerg Surg.2017 12:5

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ўз вақтида ва юқори малакали ёрдам кўрсатадиган 35 та туманлараро қўшма жароҳатлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари очиш режалаштирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида даволаш тактикасини танлашдаги комплекс нур ташхислашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 26 июлдаги ПҚ–5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда бутун дунёда нур тадқиқотларнинг замонавий юқори технологияли усулларидан фойдаланиш ва уларни клиник амалиётга жорий этишга катта аҳамият берилмоқда (Маринчек Б., 2008, Harvey J.J., 2012). Шикастланганларга ёрдам кўрсатиш босқичларида улардан бемалол ва тўлақонли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади (Бабоша В.А., 2001; Дятлов М.М., 2001; Бутовский Д.И., 2003; Смоляр А.Н., 2009; Анкин Л.Н., 2010; Багненко С.Ф., 2014; Wang F, 2013; Lehnert V. E., 2014). Чаноқ жароҳати билан шикастланганга даволаш усуллари қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун уни диққат билан текшириб кўриш зарур. Чаноқ суяги синишининг клиник ташхисоти ҳар доим ҳам оддий эмас (Рустамова У.М., 2016). Чаноқ бир қатор мушаклар ва тери ости ёғ қатлами билан ўралганлиги боис, суяк синишларининг одатий белгилари яширин бўлади, шунинг учун ташхисот баъзи ҳолларда, айниқса, кўп ва комбинацияланган жароҳатлар ҳолатида жуда қийин бўлади (Борозда И.В., 2009, McCormick J.P., 2003). D. Weishaupt (2002) ва ҳаммуаллифлар тадқиқотларида, жароҳатнинг биринчи соатида даволаниш бошланганда шикастланганларнинг омон қолиш эҳтимоли кўпроқлигини таъкидлашган. Шу муносабат билан, шошилиш ташхисий текширувларни имкон қадар биринчи "олтин соати"да даврида қўллаш керак. Чаноқ жароҳатларининг эрта даврида нур ташхиси усулларини қўллаш ўлим даражасини икки-уч

баробар камайтириши мумкин (Jalalzadeh H., 2015, Hussami M., 2017). Чанок аъзолари травматик жароҳати замонавий ташхисотини нур усулларисиз ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас (Васильев А.В., 2012, Доровских Г.Н., 2013; Трофимова Е.Ю., 2018, Hamada S.R., 2016). Суяк шикастланишининг рентген ташхисоти, жумладан, стандарт тартиблардаги анъанавий рентгенография ва компьютер томографияси алоҳида аҳамиятга эга. Рентген тадқиқотларининг барча имкониятларидан фойдаланиб, шикастланишнинг нафақат табиатини аниқлаш, даволаш тамойили ва тегишли усулни белгилаш, балки суяк бўлақларини тўғри фиксациялаш усулини таклиф қилиш мумкин бўлади. Нур ташхисотининг воситалари ва усулларини ривожланиши ҳамда такомиллашишига қарамасдан, ташхисий хатолар частотаси жуда юқори бўлиб қолмоқда (Sirlin C, 2003, Szewczyk-Bieda M., 2012, Pereira V.M., 2013). Бу ҳақиқатни кўпинча оғир аҳволда бўлган қўшма жароҳат олган беморларда чанок шикастланишининг ўз вақтида аниқланмаслиги, шунингдек, жароҳатдан кейинги дастлабки босқичларда замонавий ташхисий тадқиқот усулларидан тўлиқ фойдаланмаслик билан изоҳлаш мумкин (Kitrey N.D, 2016, Hussami M., 2017; Dreizin D, 2018).

Ўзбекистонда чанок жароҳатларини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, асосан бундай шикастланганларга ёрдам кўрсатишнинг терапевтик тактикасига ҳамда шикастланганларнинг чекланган клиник ва ташхисий текширувидан фойдаланишга бағишланган (Валиев Э.Ю., 2009, Тиляков А.Б., 2017). Кататравма қурбонларида чанок шикастланишининг хусусиятлари, қўшма чанок жароҳатларининг оғирлигини баҳолаш ўрганилди (Хаджибаев А.М., Султанов П.К., 2018) ёндош тос жароҳатлари оғирлигини баҳолаш. Бироқ, бу тадқиқотларда нур ташхисотининг кенгайтирилган замонавий усулларини қўлланганлиги ҳақида ишонарли маълумотларни келтирилмаган, чанок аъзоларининг шикастланишларининг нур семиотикаси кўрсатилмаган (Икрамов А.И., Халибаева Г.Б., 2016). Пастки сийдик чиқариш йўллари жароҳатларини ўрганиш ишларида сийдик пуфаги ва сийдик йўллариининг шикастланишида нур ва бошқа инструментал ташхисий усулларга қиёсий баҳо берилди (Хаджибаев А.М., Рашидов М.М., 2019), бироқ, чанок суякларининг синишларида бошқа чанок аъзоларининг шикастланиши масалалари деярли ўрганилмаган.

Клиник белгилар ва анъанавий нур усулларининг ташхисий қиймати камлиги, чанок шикастланишини батафсил аниқлаш учун алоҳида нур ташхисий усулларини қўллаш учун аниқ белгиланган кўрсатмалар йўқлиги, шунингдек чанок жароҳати билан шикастланганларни ҳар томонлама текшириш учун етарли алгоритм ишлаб чиқилмаганлиги тавсия этилган илмий-тадқиқот ишлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИБ-СС-0-55415 сонли «Кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма жароҳатларида

нур ташхисотининг замонавий усулларини жорий этиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида (2018-2022 йй) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нур тасвирлашнинг замонавий усуллари комплексини кўллаш орқали чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида нур ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нурли тадқиқот усуллари (рентгенография, ультратовуш ташхиси, мултиспирал компьютер томографияси, магнит резонанас томографияси, дигитал субтракцион ангиография) натижаларини ва чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида уларнинг ташхисий аҳамиятини баҳолаш;

нур текшириш натижалари асосида чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларининг нур семиотикасини яхшилаш;

ўрганилаётган усулларнинг сезгирлиги, ўзига хослиги ва умумий аниқлигини аниқлаш орқали чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида ташхисий текширишларни бажариш учун кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

даволаш тактикасини аниқлаш учун чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларининг нур радиация ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, И.И. Джанелидзе номидаги Санкт-Петербург шошилич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институтида 2007-2019 йиллар давомида чаноқ аъзоларининг травматик жароҳати билан даволанган 126 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида чаноқ аъзоларининг травматик шикастланиши билан хасталанган беморларнинг клиник, лаборатор, инструментал, нур ташхисотнинг анъанавий (рентгенография, ультратовуш ташхиси) ва замонавий усулларидан (мултиспирал компьютер томографияси, магнит-резонансли томографияси, дигитал субтракцион ангиография) натижаларининг материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, нур (рентгенологик, ультратовуш текширув, компьютер томографияси, магнит-резонансли томографияси, дигитал субтракцион ангиография) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:

чаноқ суяклари синишлари, айниқса дорсал комплекснинг ностабил шикастланишлари турларида мултиспирал компьютер томографияси ёрдамида суякнинг бўлакчи силжишлари ва ёнбош-думғаза ҳам дақов симфизи узилишларини аниқ визуализациясига эришилган ҳолда чаноқнинг хирургик стабилизацияси асосланган;

чаноқ-сон бўғимларида субхондрал синишлар ва пайлар узилишларида дақов симфизи шикастланишларининг тоғай дискидаги гиперинтенсив майдонлари, суяк субхондрал қисмида гиперинтенсив локал эзилишлар, ёнбош-думғаза бирлашмаларида суюқликнинг борлиги каби белгилар орқали чаноқ структураси жароҳатларининг магнит резонанас томография семиотикаси исботланган;

мультиспирал компьютер томография усулини қўллаш асосида, чанок стабил шикастланишларида локал қон қуйилишлар, ротацион ностабил ва вертикал стабил шикастланишларда «моляр тиш» симптоми ёрдамида қорин олди қон қуйилишлари, вертикал ностабил жароҳатларида чанок бўшлиғи ва ундан юқори қисмларда қорин олди ва қорин орти қон қуйилишлари каби чанок жароҳатларининг турларига нисбатан қорин орти қон қуйилишлари нурли семиотикаси асосланган;

чанок аъзолари травматик жароҳатларида мультиспирал компьютер томографик ангиография ва дигитал субтракцион ангиография ёрдамида 3-4 тартибдаги умумий ёнбош артериялари даражасида стоп-контраст ва псевдоаневризма каби қўшимча ангиографик белгилар аниқланган ҳамда улар асосида давомли қон қуйилишларини тухтатиш ва чанок ичи томирлари эмболизациясини ўтказиш имкониятини асослаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чанок аъзоларининг травматик шикастланишларида турли нур ташхислаш усулларини қўллашга кўрсатмалар аниқлаштирилган;

даволаш тактикасини танлашга сезиларли таъсир кўрсатадиган ташхислаш сифатини яхшилаш учун чанок аъзоларининг травматик шикастланишларининг нур семиотикаси такомиллаштирилган;

чанок аъзоларининг травматик шикастланишларининг нур ташхислаш оптимал алгоритми ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларининг тиббий амалиётга киритилиши ва бажарилиши чанок аъзоларининг травматик шикастланишларининг юқори сифатли тезкор ва объектив ташхислашни амалга ошириш, оптимал даволаш усулини режалаштириш, унинг етарлилигини кузатиш ва зарур ҳолларда даволашга ўз вақтида тузатишлар киритиш имкони берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, нур ташхисотнинг аънавий (рентгенография, ультратовуш ташхиси) ва замонавий усулларида (мультиспирал компьютер томографияси, магнит-резонанасли томографияси, дигитал субтракцион ангиографияси), статистик тадқиқот усулларида чанок аъзоларининг травматик шикастланишларида даволаш тактикасини танлашдаги комплекс нур ташхисини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти чанок аъзоларининг травматик шикастланишларининг клиник ва ташхисий хусусиятларини ўрганишда нур ташхисотининг замонавий ютуқларига сезиларли ҳисса қўшиши, шикастланишларнинг кечиши хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш, текшириш ва даволашнинг янги рақобатбардош усулларини шакллантириш мақсади учун асос бўлиши, ишнинг алоҳида натижалари чанок аъзоларининг

травматик шикастланишларининг нур ташхислашдаги янги маълумотлари талабалар, шунингдек магистрлар, клиник ординаторлар, малака ошириш ва ихтисослаштириш курси тингловчиларини ўқитиш учун мўжалланган ўқув дастури мазмунини ва тузилишини такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишлари билан оғриган беморларни нурли ташхислаш такомиллаштирилиши ва текшириш учун оптималлаштирилган алгоритм, етарли даволаш тактикасини танлаш ва жароҳатдан кейинги даврда беморларни кузатиш учун замонавий нур усуллари комплекси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида даволаш тактикасини танлашдаги комплекс нур ташхисоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларини такомиллаштириш ташхислашга қаратилган илмий натижалар асосида «Чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларининг нур ташхисоти» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-р/320-сон маълумотномаси). Олинган натижалар чаноқ жароҳати механизмлари ва баъзи клиник жиҳатларини ҳамда чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларини турли нурли ташхислаш усулларини қўллаш орқали нурли белгиларини яхшилашга имкон берган;

чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишларида даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд ва Андижон вилоятлари филиаллари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябр 8н-3/195-сон маълумотномаси). Олинган натижалар чаноқ аъзоларининг травматик шикастланишлари ва уларнинг асоратлари бўлган беморларда рентгенография, компьютер томография ва ультратовуш текшириш усулларини комплекс қўллаш орқали жароҳатдан кейинги давр ва реабилитация босқичларида нурли ташхислаш сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 таси халқаро ва 8 таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чанок шикастланишлари: шикастланиш турлари ва ташхислаш ҳақида тушунчалар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобда хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари мисолида адабиётлар шарҳи келтирилган, чанок шикастланишининг сабаблари ва механизмлари, таснифлари ва ташхислаш масалаларининг ҳозирги ҳолати бўйича замонавий қарашларни таҳлил қилиш, адабиётларни ўрганиш асосида эришилган ютуқлар батафсил таҳлил қилинган ва ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштириш жиҳатлари аниқланган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланган.

Диссертациянинг «**Материалнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобда текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек қўлланилган нур тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар берилган. Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш учун, биз Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (Тошкент ш.) – 112 ва И. И. Джанелидзе номидаги Санкт-Петербург шошилиш тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институтида (Санкт-Петербург ш.) стационар даволанган 14 чанок жароҳати шикастланиши билан беморларни текширдик. Шикастланганлар орасида 81(64, 3%) нафари эркеклар ва 45(35,7%) нафари аёллар бўлиб, ёши 15 дан 83 гачани ташкил этди. Шикастланганларнинг аксарияти 20 ва 39 ёшдаги эркеклар бўлди. Ўртача ёши $36,7 \pm 1,53$ ни ташкил этди. Шикастланганлар орасида 25-55 ёшдаги ишга лаёқатли беморлар сони 65(51,6%) ташкил этди.

Чанок жароҳатларига энг кўп юқори кинетик энергия таъсири сабаб бўлган: йўл-транспорт ҳодисаси ва кататравма – 113(89,6%) шикастланганлар ёки ташқи сиқилиш – 11(8,7%) шикастланганлар. Текширилганларнинг 12(9,5%)да изоляцияланган чанок жароҳати кузатилди. Жароҳатнинг қўшма биргаликдаги табиати 109(86,5%) кишини ташкил этди. Чанок жароҳатларининг сезиларли сони бош мия жароҳатлари-89 (81,6%) киши, кўкрак қафаси аъзолари жароҳатлари– 50(45,8%), қорин бўшлиғи жароҳатлари - 73(67%), умуртқа поғонаси жароҳатлари – 24(21%), оёқ-қўл жароҳатлари – 51(44,7%) билан биргаликда учради. Шикастланганларнинг 53 (42%)да уч ёки ундан ортиқ тана ҳудуди шикастланган эди. Шикастланганларнинг 68(54%)да аксарият Keith бўйича II-III даражали травматик шок кузатилди. Комбинацияланган ва кўп сонли жароҳатлар билан

40 (32%) шикастланганларда шикастланишларнинг оғирлигини аниқлаш учун 1974да Becker ва ҳаммуаллифлар томонидан анатомо-томографик шикастланишларни ҳисобга олган ҳолда жароҳатлар оғирлиги шкаласи ISS (Injury Severity Score) тизими қўлланилди; Клиникаларнинг қабул бўлимига қабул қилинган шикастланганларда жароҳатланишларнинг умумий оғирлигининг ўртача балли $28,2 \pm 1,49$ баллни ташкил этди, шу билан бирга, ISS шкаласи бўйича 47(43%) шикастланганлар 25 баллдан ортиққа баҳоланган, яъни жароҳатланишнинг оғир турига тааллуқли бўлди. Шикастланганлар орасида тирик қолганлар сони 105 (83,3%) тани, ўлим ҳолати 21 (16,7%) тани ташкил этди.

Чанок ҳалқасининг барқарорлигини бузулиш турига қараб, барча шикастланганлар Остеосинтез Ассоциацияси (ОА) ҳужжат маркази томонидан такомиллаштирилган М.Tile таснифига кўра гуруҳларга ажратилди: стабил шикастланишлар (А тури) - 32(25%), ротацион-ностабил (В тури) - 59(47%) ва вертикал – ностабил (С тури) - 35(28% шикастланишлар. Текширилган шикастланганларнинг аксариятида чанок ҳалқаси ва чанок сон бўғими чуқурчаси – 117 кишида, изоляцияланган чанок сон бўғими чуқурчаси - 9 кишида шикастланганлиги аниқланди.

Ташхисий комплексга умумий клинико-лаборатор таҳлиллар, чанок суяқларининг обзорли рентгенографияси, қорин ва чанок мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), чанок магнит-резонансли томографияси (МРТ), қорин бўшлиғи ва кичик чанок аъзоларини ультратовуш ташхиси (УТТ) киритилган. Сийдик чиқариш йўллари ва чанокчи томирларини текширишнинг контраст усуллари, шу жумладан, инвазив дигитал субтракцион ангиография ҳам қўлланилган.

Олинган маълумотларга ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хатолик (m) ва нисбий қийматлар (частота,%) ҳисобланиши билан статистик таҳлил дастурларининг тўплами ёрдамида статистик ишлов берилди. Ишончли даражаси $p < 0,05$ статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг **«Чанок аъзоларининг травматик жароҳатлари билан шикастланганларнинг нур текшириш натижалари»** деб номланган учинчи бобида, чанок мураккаб тузилган анатомик ҳудуд эканлигини ҳисобга олган ҳолда, чанок тузилмалари шикастланиши гуруҳларга ажратилган ва суяк жароҳатлари, бўғин-бойлам аппарати ва чанок ичи мушаклари, чанок ичи томирлари ва чанокқорин пардаси ортига қон қуюлиши, ва ниҳоят, пастки сийдик йўллари шикастланишининг нур семиотикаси изчил комплекс ўрганиш амалга оширилди.

Чанок суяқларнинг синиши, бўғин-бойлам аппарати ва чанок ичи мушакларининг шикастланишини баҳолаш учун нур ташхислаш усуллари ёрдамида 104(82%) шикастланганлар таҳлил қилинди. Чанок суяги синишларини ташхислаш учун асосан рентгенография ва МСКТдан фойдаланилди.

Жароҳатларнинг мавжудлиги ва муаян жойлашуви ҳақидаги маълумотларни таққослаш шуни кўрсатдики, рентгенографияда

шикастланганлардаги чаноқ суяклари синишларининг фақат 76,5% ни аниқлади. 23,5% шикастланишлар аниқлаймай қолиб, улар МСКТ ёрдамида аниқланди. Статистик таҳлил шуни кўрсатдики, ёнбош суяги ($\chi^2=7,9$ $p<0,05$), қов суяги ($\chi^2=17,2$ $p<0,01$), қуймуч суяги ($\chi^2=11,9$ $p<0,01$), думғаза ($\chi^2=21,3$ $p<0,01$), ЁДБ ($\chi^2=3,9$ $p<0,05$) ва чаноқ сон бўғим чуқурчаси ($\chi^2=6,6$ $p<0,01$) жароҳатлари ташхисотида МСКТ имкониятлари рентгенография ташхисий имкониятларидан устунлигини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Рентгенография ва МСКТ ёрдамида чаноқ суяги ва бўғин синиқлари мавжудлиги ва муаян жойлашувини қиёсий таҳлил қилиш

Шикастланишларнинг муаян жойлашуви	Аниқланган шикастланишлар сони *				χ^2
	Рентгенография		Компьютер томография		
	абс	%	абс	%	
Ёнбош суяги	21	6,4	54	12,6	$\chi^2=7,9$ $p<0,05$
Қов суяги	121	37,1	99	23,2	$\chi^2=17,2$ $p<0,01$
Қуймуч суяги	113	34,6	99	23,2	$\chi^2=11,9$ $p<0,01$
Думғаза	17	5,2	68	16	$\chi^2=21,3$ $p<0,01$
Дум суяги	-	-	4	1	$\chi^2=3,1$ $p>0,05$
Қов бўғини	13	4	16	4	$\chi^2=0,03$ $p>0,05$
ЁДБ	8	2,4	15	3,5	$\chi^2=3,9$ $p<0,05$
Чаноқ сон бўғим чуқурчаси	33	10	71	17	$\chi^2=6,6$ $p<0,01$
Жами	326	100%	426	100%	

Чаноқнинг олдинги ярим ҳалқасини ҳосил қилувчи суякларнинг шикастланишини баҳолашда рентгенография маълумотлари МСКТдан қолишмади. Орқа ярим ҳалқа шикастланишини баҳолашда МСКТнинг яққол афзаллиги мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 141(33%), рентгенографияда эса – 46(14,1%) ташкил этди.

Қов бўғимининг ёрилиши чаноқ жароҳатларининг барча турларида топилган, улардан тенг миқдорда ностабил чаноқ шикастланиши (В ва С тури) улуши сезиларли даражада устунлик қилиб, 43,7% ташкил этди. Ёнбош - думғаза бўғимининг (ЁДБ) ёрилиши фақат ностабил чаноқ шикастланишиларида топилган, жумладан, вертикал - ностабил чаноқ шикастланиши (С тури) ҳолларда 80% аниқланди. Чаноқ жароҳатининг уч тури (А тури, В тури, С тури) гуруҳлари қиёсий таҳлилда, гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар (А тури $\chi^2=1,77$ $p>0,05$, В тури $\chi^2=1,03$ $p>0,05$, С тури $\chi^2=1,03$ $p>0,05$) аниқланмади. Стабил синишлар (А тури) гуруҳи

ностабил синишлар (В тури + С тури) гуруҳи таққосланганда, гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар аниқланди (қов бўғини $\chi^2=6,4$ $p<0,05$, ЁДБ - $\chi^2=11,2$ $p<0,01$). Бундай шикастланганлар чаноқ жароҳатининг оғир тури гуруҳига киритилди, ва шунга кўра, бу оптимал даволаш тактикасини танлашга ва шикастланганларни кейинги реабилитация қилиш вақтига таъсир кўрсатди (2-жадвал).

2 - жадвал

Чаноқ жароҳатларининг турли хил турларида чаноқ бўғимлари ёрилиши ҳақида маълумотлар

Бўғимлар	Чаноқ жароҳатларининг турлари						χ^2	Жами	
	А тури		В тури		С тури				
	абс	%	абс	%	абс	%		абс	%
Қов бўғини	2	12,6	7	43,7	7	43,7	$\chi^2=6,4$ $p<0,05$	16	12,7
ЁДБ	-	-	3	20	12	80	$\chi^2=11,2$ $p<0,01$	15	12
	$\chi^2=1,77$ $p>0,05$		$\chi^2=1,03$ $p>0,05$		$\chi^2=1,03$ $p>0,05$				
Шикастланганларнинг умумий сони								126	100

Чаноқ сон бўғим чуқурчаси жароҳатларни баҳолаш ташхисий тафовутларнинг энг катта фоизини ташкил этди – рентгенографияда 33(10,1%), МСКТда - 71(17%) аниқланди, шу билан бирга, чаноқ сон бўғим чуқурчаси анатомик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, чаноқ сон бўғим чуқурчасининг пастки қисмини рентгенологик баҳолаш қийинчиликлари билан ҳам боғлиқ.

МРТни қўллаш кейинги даврларда беморни даволаш ва реабилитация қилиш тактикасини режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энг кўп учрайдиган шикастланиш белгиларининг МР семиотикаси ўрганилди. Барча ҳолатларда суяк ичи шиши (лат ейиш) топилди, субхондрал шикастланишлар эса сон суяги бошчаси соҳасида аксарият аниқланди.

ЁДБ ва қов бўғимининг субхондрал соҳасида суяк ичи шиши ва бўғимлардаги суюқлик мавжудлиги, бўғимларнинг қисман ёрилиши, кенглиги ўзгармаган "яширин" ёриқлар синишлар мавжуд булиб, МСКТ томонидан аниқланмаган. Бироқ, чаноқ суяги синишларини аниқлашда МР ташхислашнинг информативлиги паст бўлди ва бу аниқланган синишларнинг фақат 50%ини ташкил этди.

Бўғим-бойлам аппарати ва чаноқ ичи мушаклари баҳолашда КТ ва МРТ тадқиқотлари маълумотлари ўртасида қиёсий таҳлил ўтказилди. Иккинчиси суюқлик йиғилиши, бойлам ва мушакларнинг шикастланишини аниқлашда аниқ афзалликларга эга эди. Бўғим-бойлам аппарати ва чаноқ ичи мушакларининг шикастланишини аниқлашда МРТ ташхисий имкониятлари МСКТ ташхисий имкониятларидан устунлигини кўрсатди, бу статистик

ишончли кўрсаткичлар дилан тасдиқланди: бойлам шикастланиши- $\chi^2=8,48$ $p<0,01$, ЁДБ ичида суюқлик $\chi^2=10,0$ $p<0,01$, чаноқ-сон бўғими ичида суюқлик $\chi^2=5,22$ $p<0,05$, чаноқ ички мушаклари шикастланиши - $\chi^2=5,22$ $p<0,05$ (3-жадвал).

3-жадвал


Чаноқ ва чаноқ -сон бўғим жароҳатларида бўғим-бойлам аппаратининг ва чаноқ ичи мушакларининг шикастланиши ҳақида маълумотлар

Шикастланишлар тури	Аниқланган шикастланишлар сони				χ^2
	МСКТ		МРТ		
	абс	%	абс	%	
Бойламлар шикастланиши	-	-	7	35	$\chi^2=8,48$ $p<0,01$
ЁДБда суюқлик	-	-	8	40	$\chi^2=10,0$ $p<0,01$
Чаноқ - сон бўғимида суюқлик	4	20	11	55	$\chi^2=5,22$ $p<0,05$
Чаноқ ичи мушакларининг шикастланиши	9	45	16	80	$\chi^2=5,22$ $p<0,05$
Шикастланганларнинг умумий сони	20	100	20	100	


Шундай қилиб, чаноқ ва чаноқ сон бўғим чуқурчаси синишларини ташхислашда энг юқори кўрсаткичлар МСКТ усули билан кузатилди, бунда ташхисий самарадорлиги (ТС) - 98,5% ва 98,3%ни ташкил этди. Бўғим-бойлам аппарати ва чаноқ ичи мушакларининг шикастланиши ташхислашда МРТ мос равишда энг юқори ТС - 95% ва 97%га эга бўлди (1-расм).



а



б



В

Г

1-расм. (а) Чанокнинг обзорли рентгенографияси: чап қов ва қуймуч суякларнинг синиши билан ва шу бемор (б) МСКТ 3D тасвирда ундан ташқари ўнг томондаги думғаза ёнбош массасининг парчаланиб синиши аниқланди; МРТ (в) ўнг ёнбош думғаза бойлами ёрилиши, (в) ўнг ички обтуратор мушагининг йиртилиши.

Текширган беморларда чанок шикастланиши кўпинча қорин пардаси ортига қон қуюлиши (ҚҚ) билан бирга кечган. Шу муносабат билан 117(93%)та шикастланганлар таҳлил қилиниб, уларда нур тадқиқот усуларини комплексни қўллаш орқали ҚҚ белгилари аниқланди. Барча ҚҚ тарқалганлиги бўйича И. З. Козлов (1988) жарроҳлик таснифига кўра кичик (пастки), ўрта ва катта қисмларга ажратилди. Асосан кичик қон қуюлиш 77(66%) ҳолларда учради, у чанок шикастланишларининг барча турлари кузатилди, ўртачақон қуюлиш 32(27%) бир оз камроқ учради. Бироқ, ўрта ва катта қон қуюлиш частотаси чанок жароҳати ностабил турларида (В ва С тури) сезиларли даражада ортди. Статистик таҳлилнинг нопараметрик усулини қўлланилганда, чанок жароҳатларининг оғирлик даражаси ва қорин пардаси ортига қон қуюлишининг тарқалиш даражаси ўртасида ишончли фарқлар аниқланди ($\chi^2 = 19,86, p < 0,01$).

Рентгенологик текширув вақтида ҚҚни аниқлаш фақат 27 (26%) ҳолатда топилган.

УТТ ҚҚ 23 (20%) ҳолларда очиб берди. ҚҚни аниқлаш, шунингдек унинг акс-садо белгиларининг ўзгариши жароҳатнинг давомийлигига боғлиқ бўлди. Дастлабки ультратовуш текширувида ҚҚ белгилари фақат 7 (30%) ҳолатда аниқланди. Бироқ, кун давомидаги динамик кузатувда бу кўрсаткич 65% га ошди. Шундай қилиб, жароҳатдан сўнг 1 куннинг охирига келиб ҚҚ 29 (95%) ҳолатда аниқланди.

Қорин пардаси ортига қон қуюлишини ташхислашда ультратовушнинг информацион қиймати дастлабки текширув вақтида атиги 30% ни ташкил этди ($\chi^2 = 23,0 p < 0,01$), қорин пардаси ортига қон қуюлишини ҳолатларининг қолган 70% кейинги 24-48 соат давомида динамикада ташхисланди ($\chi^2 = 2,11$

$p > 0,05$ 1-3 соатдан кейин текширилганда ва $\chi^2 = 0,45$ $p > 0,05$ 24-48 соатдан кейин текширилганда). Ультратовуш текширув пайтида қорин пардаси ортига қон қуюлишининг тарқалиши анатомик тузилмалар жойлашувининг учта даражаси – кичик чанок, буйрак ва диафрагма даражаси билан баҳоланди. ҚҚ тарқалиши (кичик ва ўрта қон қуюлиши) асосан ностабил чанок жароҳатида чанок соҳаси даражасида аниқланди. Катта ўлчамли ҚҚ ультратовуш текшируви билан ташхислаб бўлмади ($\chi^2 = 0,49$ $p > 0,05$). Динамик ультратовуш текшириш туфайли кун давомида қон имбибициялашуви ҳисобига ёғ тўқималарининг эхогенлиги ўзгариши, шунингдек 3-4 кундан кейин ҳам аниқланди. 4 та кузатувда 3 - 4-кунига ўтказилган текширувда гематоманинг бўшлиқ шаклида шаклланиши қайд этилди. Шунини таъкидлаш керакки, ҚҚнинг билвосита белгилари қорин ва чанок бўшлиғида эркин суюқликнинг мавжудлиги бўлди, чунки қорин бўшлиғига қорин пардаси орқали қоннинг суюқ қисмини йиғилиб қолиши натижасида 25 (53,2%) ҳолатларида аниқланди, улардан 17 (68%) ҳолатларида эркин суюқлик биринчи 6 соатда аниқланди ва динамикада унинг аниқланиши 100% га ортди.

Динамик кузатишда суюқлик қалинлиги ва миқдорининг ўзгариши қорин ичига қон кетишининг қорин бўшлиғи аъзоларининг биргаликдаги шикастланишида қиёсий ташхисотида муҳим мезон бўлди. Таъкидлаш лозимки, 38 ҳолларда чанок жароҳати билан оғриган шикастланган беморлар қорин бўшлиғида УТТда эркин суюқлик аниқланди ва уларда жарроҳлик амалиёти ўтказилди, 17 (44,7%) ҳолатда интраоператив ички аъзолар шикастланмаганлиги аниқланди, фақат ҚҚнинг сероз-геморрагик характердаги қорин бўшлиғида турли локализацияли суюқлигининг ВК мавжудлиги қайд этилди, бу кераксиз ташхисий лапароскопия фоизини камайтиради.

МСКТ маълумотларига кўра 83 (84,7%) ҳолатда муҳим ҚҚ белгилари аниқланди, 10 (10,2%) ҳолатда ўзгаришлар жуда кам бўлди. ҚҚ тарқалиши таҳлил қилинганда, асосан, кичик қон қуюлишлар учради, улар чанок шикастланишининг барча турлари билан, ўртача қон қуюлиш ҳолатлари бирмунча кичик улушда кузатилди. Бироқ, ўрта ва катта қон қуюлиш частотаси чанок жароҳати ностабил турларида сезиларли даражада ортди. Натижалар шунини кўрсатдики, МСКТ маълумотларга кўра, стабил ва ностабил чанок жароҳати билан беморлар гуруҳларининг ҚҚ тарқалганлиги ўртасида статистик муҳим фарқлар борлиги аниқланди (А тури $\chi^2 = 13,3$ $p < 0,01$, В тури + С тури $\chi^2 = 9,4$ $p < 0,01$ + $\chi^2 = 4,5$ $p < 0,05$).

ҚҚ КТ-семиотикасига ёғ тўқимасининг 2 хил зичланишини киради: туташадиган зичланиш (гематома) ва чизиқли тарқоқ имбибиция ҳисобига. Қон кетишининг катта ҳажмида туташадиган зичланиш жойлари чанок фасцияси ва қорин олд деворининг билан чекланди, бу ҳол КТда "моляр тиш" белгиси аниқланиши билан намоён бўлиб - 37(40) %) ҳолда кузатилди ва қон қуюлишини қорин пардаси ортига тарқалишини тасдиқлади. ҚҚ КТ-ҳажмини ҳисоблаш 42 (45,2%) ҳолатда амалга оширилди. Шу билан бирга қон қуюлиши кичик ҳажми - 65 дан 474 см³ гача, ўртача – 500 дан 941,2 см³

гача, катта – 1147,5 дан 1534 см³ гача ва ундан кўп бўлиши кузатилди. Гематоманинг ўртача ҳажми 431,37 ± 33,10 см³ (мин 65; макс 1534)ни ташкил этди. Қон кетиш ҳажми чаноқ суяги синишларининг оғирлигини оширишга бевосита мутаносиб равишда ортгани қайд этилди. Шундай қилиб, иш станциясида махсус дастур ёрдамида қон қуюлиши ҳажмини ҳисоблаш И. З. Козловнинг (1988) чаноқ жароҳатида ҚҚ тарқалганлигини жарроҳлик таснифига мос келди, бу муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди.

МРТ ҚҚ тарқалганлигини баҳолаш ва юмшоқ тўқималар жароҳати қиёсий ташхисоти учун ишлатилди, бунда имбибиция кўринишидаги ҚҚ белгилари 18 (90%) ҳолатда, 3 (15%) ҳолатда чаноқ ичи гематомалар борлиги аниқланди. МРТ тўқималарга юқори контрастлиги туфайли қон қуюлишининг чегераларини чаноқ ичи мушакларидан аниқ ажратиш мумкин бўлди. Турли МР кетма-кетликни қўлланиши нафақат ўткир чаноқ гематомаларини, балки "эски" гематомаларни ҳам аниқлаш имконини беради, бу эса уларнинг бошқа кичик чаноқ ҳосилалари билан фарқланишини осонлаштиради.

ҚҚнинг УТТ, МСКТ ва жарроҳлик амалиёти натижаларга кўра тарқалишининг қиёсий таҳлили 48(41%) беморларда амалга оширилди. МСКТда аниқланган ҚҚ 24 та кичик қон қуюлиши ҳолатидан 4 таси ўрта ва каттақон қуюлиши жарроҳлик амалиёти кўринишига тўғри келди. Шунингдек, 5 та ҳолатда ҳам ҚҚнинг КТ-белгилари аниқланмаган, лекин жарроҳлик амалиёти кўриниши бўйича кичик қон кетиш аниқланган. Аксинча, МСКТда аниқланган ўрта ва катта қон қуюлиши 19 ҳолатида атиги 5 ҳолатлар кичик қон қуюлиши жарроҳлик амалиёти кўринишига мос келган. Қолган кузатишларда мос келиш тўлиқ бўлган, бу нур ташхислашнинг бу усулининг юқори сезгирлигини кўрсатди. Қорин бўшлиғининг УТТ ва МСКТ натижаларини интраоператив маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиш таққосланган гуруҳлар ўртасидаги сезиларли фарқлар борлигини аниқланди ($\chi^2=28,7$ $p<0,01$), бу ташхисот жараёнининг ўз босқичида қўлланиладиган усулларнинг ҳар бири учун олинган натижаларнинг ишончлилигини кўрсатди.


20 (17,1%) беморларда УТТ, МСКТ ва жарроҳлик амалиёти натижалар бўйича ҚҚнинг сизиши натижасида қорин бўшлиғида эркин суюқликни аниқлашнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. УТТ ва МСКТ маълумотларини таққослашда УТТнинг эркин суюқликни аниқлашдаги афзаллиги аниқланди, бу эса мос равишда 65% ва 25% ни ташкил этди. Қорин бўшлиғидаги эркин суюқликни қорин пардаси ортига қон қуюлишини ташхислашда тадқиқот усулларининг қиёсий таҳлилида МСКТ ($\chi^2=12,2$ $p<0,01$) ва интраоператив ($\chi^2=6,6$ $p<0,05$) равишда олинган маълумотлар энг кўп информатив усул эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, рентгенография ҚҚни аниқлашда – 61,1% энг паст кўрсаткичга эга. УТТ 82,3% ташхисий самарадорликга эга, шунинг учун бу усул эркин суюқлик ва ҚҚ борлиги учун асосий скрининг учун фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, МСКТ ва МРТ энг юқори информативликка - 91,8% ва 97,3% мос эга, ҚҚ тарқалишини аниқлаш ва баҳолашда ўз

навбатида, жарроҳлик амалиёти кўринишидан фарқли ўлароқ, қорин парда орти бўшлиғи чекланган кириш бўлганлиги боис энг тўлиқ баҳолаш имконини беради.

Чаноқ жароҳатида қон кетиш манбасини аниқлаш учун 23 беморлари чаноқичи томирларини контрастли текшириш ўтказилди. МСКТ ангиография ўтказиш учун ҚҚ ҳажми 50-100 см³дан ортиқ бўлгани, томир тўплами яқинда туташган катта суяк парчалари мавжудлиги кўрсатма бўлди. Тадқиқотларимизда 7 (41%) ҳолатда томир шикастланишининг КТ-белгилари аниқланди: 5 ҳолатда контраст модданинг экстравазацияси, ёпувчи артерия даражасида узулиш синиши ва "контрастни тўхтатиши" - 1да, ramus pubis a. obturatoria проекциясида жароҳатдан кейинги сохта аневризма – 1да. Чаноқичи гематомаси мавжуд бўлганда, кўпинча бир томонлама, томир тўпланининг сиқилиши – 7 ҳолатда қайд этилди.

Контраст модданинг экстравазацияси ташхисий ангиография ўтказиш учун аниқ кўрсатма бўлиб, бунда шикастланган томир аниқланади, селектив ва носелектив эмболизация ўтказилади. Ташхисий ангиография 10 шикастланганда, МСКТ-ангиография сўнг 4 ҳолда амалга оширилди. 6 ҳолатда артериал қон кетишини ташхислаш учун бирламчи усул сифатида селектив ангиография қўлланилган. 7 та ҳолатда томир шикастланишининг ангиографик белгилари аниқланди: контраст модда экстравазацияси - 3, ангиоспазм - 2, окклюзия эса 2 та кузатувда. Ангиография маълумотлари чаноқ жароҳатининг тури билан таққосланган (2-расм).



а



б




В



Г



Д



е

2-расм. Қорин пардаси ортига қон қуюлиши. (а) УТТда; (б,в) МСКТ ва (г) бир беморнинг лапаротомияси – қорин пардаси олд клетчаткаси гематомаси, $V \sim 457 \text{ см}^3$; (д) МСКТ-ангиография – артериал фазада контраст модда экстравазацияси; (е) ДСА – контраст модданинг а. obturatoria dextra (ramus pubicus) даражасида экстравазацияси

